Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2011 йил 11 октябрь сешанба № 43 (770)

e-mail: info@press-iq.uz | www.minjust.uz

Қонунан ҳимоя қилинган Инсон Инсондай яшай олади!
"Инсон ва қонун": индекс — 137

Бюрократик тўсиқларни бартараф қилиш

тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсатномалар бериш тартиботи тизимини такомиллаштириш йўналишларидан биридир

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

"Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастурининг ижросини таъминлаш мақсадида Адлия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикасининг **"Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"**ги Қонунининг янги таҳрирдаги лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Ушбу лойиҳа **www.minjust.uz** веб-сайтининг "Қонунчилик" бўлими, "Қонун ҳужжатлари лойиҳалари" саҳифасида жойлаштирилган.

Ушбу лойиҳа бўйича ўз фикр ва мулоҳазаларингизни **www.minjust.uz** веб-сайти орқали ёки Адлия вазирлигига ёзма равишда билдиришингизни сўраймиз.

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятининг янада эркинлигини таъминлашда Сиз томонингиздан билдириладиган таклифлар, албатта, кўриб чиқилади.

Мурожаат учун:
Манзил: Тошкент, 100047, Сайилгоҳ кўчаси, 5. Телефон: (+998 71) 236-28-54
Факс: (+998 71) 236-05-09, E-mail: info@minjust.gov.uz

ХАТИРЧИ ТУМАНИЛИК Матлуба Хафизова шахсий қорамолини суғурта қилиш мақсадида "Ўзагросуғурта" ДАСК Хатирчи тумани бўлимига ариза билан мурожаат қилган эди.

Ҳақ жойида қарор топди

Тақдимномага асосан суғурта товони ундириб берилди

АРИЗА қаноатлантирилиб, бўлим ходимлари томонидан М. Хафизовага тегишли сигир табиий офатлар ёки касалликлардан нобуд бўлишидан суғурта қилиниб, JH-212555-сонли "Жисмоний шахсларнинг чорва молларини суғурта полиси" ҳам берилган эди.

Орадан қарийб бир йил ўтар-ўтмас, яъни жорий йилнинг 25 март куни Матлуба опа сигири касаллик туфайли нобуд бўлганлиги сабабли суғурта пулини тўлаб беришни сўраган.

Аммо, бўлим мутахассислари ушбу аризани ўрганиб чиқиб, суғурта қопламаси туман бўлими лимитидан юқори бўлганлиги учун 2011 йил 2 май куни 52-сонли хат билан вилоят суғурта қопламаларини ўрганиш комиссиясига юборишди. Ҳайратланарлиси, вилоят суғурта қопламаларини ўрганиш комиссиясидаги мутахассислар ҳам 2011 йил 11 май кунги 26-сонли йиғилиш қарорининг 1-бандига кўра, фуқаро М.Хафизованинг чорва моли нобуд бўлганлиги бўйича ҳисобланган суғурта қопламалари "Ўзагросуғурта" ДАСК томонидан тасдиқланган 2003 йил 28 февралдаги 03/97-сонли **"Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини табиий офатлар, касаллик ва бошқа воқеалар натижасида нобуд бўлишидан ёки мажбуран сўйилишидан ихтиёрий суғурта қилиш қоидалари"**нинг 5-иловасида кўрсатилган касалликлар рўйхатида мавжуд эмаслиги сабабли тўлаш рад этилгани дард устига чипқондек бўлди. Ваҳоланки, "Ўзагросуғурта" ДАСК Бошқарувининг 2006 йил 28 мартдаги қарори билан 2003 йил 28 февралдаги 03/97-сонли юқорида мазмуни зикр этилган қарори ўз кучини йўқотган. Лекин бу қарорга зид равишда хулоса чиқарилиб, тўловнинг рад этилишини қандай изоҳлаш мумкин?

М.Хафизова ўз ҳақ-ҳуқуқи тикланишини сўраб, вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилди.

Мутахассисларнинг мурожаат юзасидан ўрганиш натижаларига кўра, "Ўзагросуғурта" ДАСК Бошқарувининг 2008 йил 28 апрелдаги 41-сонли қарори билан 06-02-189-сонли **"Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини барча суғурта таваккалчиликларидан ихтиёрий суғурта қилиш қоидалари"** тасдиқланган бўлиб, қоидалар ўз кучини йўқотмаган.

Хуллас, "Ўзагросуғурта" ДАСК вилоят дирекцияси суғурта қопламаларини ўрганиш комиссияси ўз кучини йўқотган қоидаларга асосланиб, ноқонуний қарор қабул қилган. Натижада, "Ўзагросуғурта" ДАСК вилоят дирекциясига адлия бошқармаси 2011 йил 6 июль куни қонунбузилиш, унинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш юзасидан тақдимнома киритилди. Шунга асосан вилоят суғурта қопламаларини ўрганиш комиссиясининг 8 июль кунги йиғилиш баённомасига асосан М.Хафизовага 562500 сўм суғурта товони тўлаб берилиши белгиланди. Бундан ташқари, тақдимномада баён этилган камчиликларга йўл қўйганлиги учун "Ўзагросуғурта" ДАСК вилоят дирекциясининг 58-к-сонли буйруғи билан Хатирчи тумани бўлинмаси катта андеррайтери К.Қулдошевга нисбатан "ҳайфсан" интизомий жазоси тайинланди.

Ахтам ЁРҚУЛОВ,
Навоий вилояти адлия бошқармаси масъул ходими

Халқаро илмий-амалий конференция

МЖтК: янги таҳрирдаги лойиҳа

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ташаббуси билан Самарқанд шаҳрида "Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг янги таҳрирдаги лойиҳасини ишлаб чиқишнинг долзарб масалалари" мавзуида халқаро илмий-амалий конференция ўтказилди.

МАЗКУР анжуман Германия Федератив Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Германия Халқаро ҳуқуқий ҳамкорлик жамғармаси билан биргаликда ташкил этилди. Ушбу тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Вазирлар Маҳкамаси, Адлия вазирлиги ва бошқа вазирликлар, Давлат қўмиталари ҳамда идораларининг масъул ходимлари, илмий тадқиқот ва олий таълим муассасалари вакиллари, шунингдек, хорижий давлатлардан ташриф буюрган экспертлар, мамлакатимизда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари, ОАВ ходимлари иштирок этдилар.

Тадбирни **Адлия вазири ўринбосари, Адлия вазирлиги Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш Бош бошқармаси бошлиғи Отабек Муродов** қисқача кириш сўзи билан очиб, анжуман иштирокчиларини қутлади ҳамда ушбу нуфузли йиғилишнинг кўтаринки ва ишчанлик руҳида ўтишида унинг қатнашчиларига омад тилади. Шундан сўнг Германия Федератив Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги ҳуқуқий ҳамкорлик бўйича халқаро фондининг Ўзбекистондаги вакили **Дилдора Асатиллаева,** Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати **Собир Жабборов,** Германия Федератив Республикасининг Гельзенкирхин шаҳри маъмурий судининг судьяси **Кристиан Фридрих Райтмайер** сўзга чиқди.

2

Қонун доирасида

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ илк кунлариданоқ тадбиркорликни ривожлантириш ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга, айниқса, уларнинг фаолиятига давлат, шу билан бир қаторда назорат қилувчи органларнинг аралашувини чеклашга алоҳида эътибор қаратилди. Бозор иқтисодиётини замонавий шароитларда ривожлантиришда, айниқса, иқтисодиётни ривожлантиришнинг стратегик устувор йўналишларини аниқлашда, қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг барча тадбиркорлик субъектлари томонидан сўзсиз бажарилишини таъминлашда ва хўжалик юритувчи субъектлар учун тенг шартларда рақобат муҳитини яратишда давлатнинг роли муҳим аҳамият касб этади.

БУГУНГИ КУНДА тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш жараёнидаги турли бюрократик тўсиқларни қисқартириш учун амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланиши учун қулай муҳит яратилганлигини англатади.

Истиқлол йилларида тадбиркорлик субъектлари фаолиятига давлат органлари аралашувини амалий жиҳатдан қисқартиришга, тадбиркорлик фаолиятини асоссиз чеклашларга йўл қўймаслик ҳамда тадбиркорликнинг амалга оширилиши учун ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитлар яратишга йўналтирилган бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Аввало, Конституциямизнинг 53-моддасида давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди, деб белгиланганлиги ҳам фикримизнинг ёрқин далилидир. Бош Қомусимиздаги мазкур норма ижросини таъминлаш учун тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий асосларини яратишга доир қонун ҳужжатлари, хусусан, 2000 йилда Ўзбекистон Республикасининг **"Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"**ги Қонуни, Президентимиз ва ҳукуматимизнинг бир қатор қарорлари қабул қилинди. Давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан қабул қилинган **"Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"**ги Қонун тадбиркорлик фаолияти субъектлари ҳуқуқларининг кафолатлари билан бир қаторда, тадбиркорликнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши ҳамда улар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган амалий чора-тадбирларни ўз ичига олади.

Тадбиркорликни ривожлантиришнинг энг муҳим жиҳатлари бўлган ҳуқуқий муносабатлар давлат ва бизнес ўртасидаги ўзаро алоқа билан узвий боғлиқдир. Бундай муносабатларни, жумладан, тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсатномалар бериш тартиботларини амалга ошириш жараёни мисолида ҳам кўриш мумкин. Миллий қонунчилигимизда тадбиркорларга рухсатномалар бериш тартиботларини такомиллаштириш бўйича босқичма-босқич чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, 2000 йилда Ўзбекистон Республикасининг **"Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"**ги Қонуни, Президентимизнинг 2005 йил 14 июндаги **"Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Фармони ҳамда 2005 йил 21 сентябрда **"Тадбиркорлик фаолияти юритиш учун рухсатнома турларини қисқартириш ва уларни бериш тартиб-қоидаларини соддалаштириш тўғрисида"**ги, 2006 йил 24 майда **"Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида"**ги қарорлари, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги **"Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида"**ги қарори қабул қилинди.

Таъкидлаб ўтиш лозимки, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш соҳасидаги ютуқлар ва иқтисодиёт ривожланишидаги юқори кўрсаткичларга эришиш — биринчи навбатда, қонунчиликнинг такомиллашуви, тадбиркорлик фаолиятини либераллаштиришда бир қатор солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференцияларнинг берилиши ва, албатта, буларнинг ҳаммаси давлатнинг бизнес ишларига маъмурий ва бюрократик аралашувини чеклаш натижалари саналади.

Президентимиз томонидан 2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида тақдим қилинган **"Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"** бу соҳанинг либераллашуви ҳамда тадбиркорлик фаолияти ривожланишининг навбатдаги босқичини бошлаб берди. Мазкур Концепцияда баён қилинган асосий йўналишлар бир қатор янги қонун ҳужжатларининг қабул қилинишини, хусусан, тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсатномалар бериш тартиботига доир амалдаги қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилишини назарда тутади.

Шу билан бирга, *биринчидан*, рухсатнома тизимидаги ягона норматив-ҳуқуқий базани яратиш; *иккинчидан*, ваколатли давлат органларида рухсатнома бериш тартиботи ва шартларини унификация қилиш; *учинчидан*, тадбиркорлик фаолияти соҳасида ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф қилиш; *тўртинчидан*, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига дахлдор бошқарув хатти-ҳаракатларининг очиқлигини тўлиқ таъминлаш; *бешинчидан*, қонунда кўрсатилмаган рухсатномаларнинг янги турлари ва рухсат бериш тартиботлари киритишни тақиқлашни жорий қилиш; *олтинчидан*, мансаб суиистеъмолчиликларининг имкониятларини кескин камайтириш ва бошқа шу каби мақсадларни ҳам ўз ичига олади.

2

Бюрократик тўсиқларни бартараф қилиш

тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсатномалар бериш тартиботи тизимини такомиллаштириш йўналишларидан биридир

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Концепцияда **"Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсатномалар бериш тартиб-қоидалари тўғрисида"**ги Қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарурати назарда тутилган. Тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун зарур бўлган рухсатномалар бериш тартиботининг қатъий чекланган турлари ва рўйхатини аниқ қилиб белгилаш; ортиқча рухсатномаларни қисқартириш; қонунда назарда тутилмаган рухсат ва рухсатномалар бериш тартиботининг янги турларини жорий этишни қонуний тақиқлаш; ўрнатилган тартиб ва муддатларга қатъий амал қилиш бўйича давлат органлари талабларини ҳамда рухсатномалар бериш механизмини енгиллаштириш; рухсатномалар беришни рад этиш, уларни тўхтатиб туриш ва тугатиш учун асосларнинг тўлиқ рўйхатини белгилаш шу каби муҳим вазифалар илгари сурилди.

Ортиқча бюрократик тўсиқлар ва бизнес ишларига асоссиз аралашувларга йўл қўймаслик мақсадида рухсатнома олган тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга ошириладиган фаолият турлари ва у ёки бу ҳаракатлар бўйича аниқ мезонларни белгилаш ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Шу маънода бундай мезонларни назарда тутувчи қонун ҳужжатлари лойиҳаларини қуйидагича белгилаш мақсадга мувофиқ эканлигини таъкидламоқчимиз: аввало, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғи, жамият хавфсизлиги ва атроф-муҳитга зарар етказувчи усулларни, иккинчидан, рухсат берувчи ҳужжатларни беришдан ташқари, бундай ҳаракатларни тартибга солиш бўйича бошқа усулларни қўллашнинг мумкин эмаслиги.

Хорижий мамлакатлар амалиётида рухсатномалар бериш тартиботларини соддалаштириш механизмлари янги рухсатномалар жорий этиш мезонларини белгилаш, бекор қилиш ёки ўхшаш тартиботлар билан бирлаштириш орқали қўлланилади. Шу билан бирга, рухсатномаларни жорий қилишнинг умумий тамойиллари қуйидагилардан иборат: умумий қоидалар асосида фаолиятни назорат қилиш дастлабки рухсатномалар киритишдан афзалроқ, амалга оширилаётган фаолият бўйича ҳисобот олиш эса рухсатномалар олиш мажбуриятини татбиқ этишдан афзалроқ.

Республикамизда тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсатномалар бериш тартиботларининг мавжуд тизимини такомиллаштириш жараёнида асосий эътибор бир-бирини такрорлайдиган ёки етарли даражада давлат томонидан тартибга солишнинг бошқа воситалари билан тартибга солинадиган ҳаракатга ёки фаолият турига бериладиган рухсатномаларнинг қисқартирилишига қаратилмоқда.

Жаҳон тажрибасида рухсатномалар бериш тартиб-қоидаларини такомиллаштириш бўйича ҳар хил механизмлар қўлланилади, хусусан, "бир дарча" тамойилидан кенг фойдаланилади. Ушбу тамойилнинг моҳияти шундан иборатки, бир давлат органидан рухсатнома хусусиятига эга бўлган ҳужжатни олиш учун бошқа бир давлат органи томонидан бериладиган рухсатнома хусусиятига эга бўлган ҳужжатни тақдим этиш ёки у билан келишиш зарур бўлган ҳолларда, тадбиркорлик субъектлари ёки фуқаролар битта давлат органига мурожаат қилади, мазкур давлат органи эса ўзи мустақил равишда бошқа органдан рухсатнома хусусиятига эга бўлган зарур ҳужжатларни олади ёки у билан келишишни амалга оширади.

Амалдаги қонун ҳужжатларимизга мувофиқ, юртимизда ҳам бир қатор рухсатномалар бериш тартиботини амалга оширишда "бир дарча" тамойили кенг қўлланилмоқда. 2001 йилдан буён тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тизимида "бир дарча" тамойилининг кенг қўлланилиб, уларни бир вақтнинг ўзида солиқ ва статистика органларида ҳисобга қўйилиши таъминланмоқда. 2003 йилдан бошлаб мазкур тартибот такомиллаштирилиб, бизнесни юритишда зарур бўлган айрим ҳужжатларни расмийлаштириш ҳам (жумладан, муҳандислик коммуникацияларига уланишнинг техник шартларини белгиланган тартибда расмийлаштириш) бир вақтда амалга оширилиши жорий қилинди.

2006 йилда эса тақдим қилинган ҳужжатлар асосида давлат рўйхатидан ўтказилиши жараёнини тезлаштиришни назарда тутувчи тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишнинг хабардор қилиш тартиби белгиланиб, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш муддати икки иш кунигача қисқартирилди.

Ислоҳотлар жараёнида рухсатнома хусусиятига эга бўлган ҳужжатларни ўз вақтида бериш муддатларига риоя қилишнинг назорат механизмларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу соҳадаги амалий механизмлардан бири "сукут — розилик белгиси" тамойилини қўллашдир. Унга кўра, ўрнатилган муддатлар ичида тегишли ҳужжатни беришни рад этилганлиги ҳақидаги ёзма хабарнома берилмаса, аризачи содир қилиш ёки амалга ошириш мақсадида рухсатнома хусусиятига эга бўлган ҳужжатни бериш тўғрисида ўзи мурожаат қилган ҳаракат ёки фаолиятни содир қилиш ёки амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлади.

Шунингдек, Концепция қоидаларининг мантиқий давоми сифатида **"Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили"** Давлат дастури доирасида хусусий мулкчиликни ривожлантириш йўлида бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ҳамда тадбиркорлик фаолияти кўламларини кенгайтириш, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш ва маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кўпайтиришда кичик бизнес субъектларининг фаол иштирок этишлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида 2011 йил 25 августда Президентимизнинг **"Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Қарори қабул қилинди. Унга биноан 2011 йилнинг 1 сентябридан бошлаб бир қатор соҳаларда рухсатнома хусусиятига эга бўлган 50 та ҳужжат бекор қилинди. Шунингдек, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган рухсатномалар ва рухсат бериш тартиботларининг янги турларини жорий этиш тақиқланди, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига қонун ҳужжатларида назарда тутилган, шу жумладан, ишлаб чиқариш объектларини қуриш ва реконструкция қилиш учун зарур бўлган рухсат этувчи ҳужжатларни бериш "бир дарча" тамойили бўйича амалга оширилиши белгиланди. Шу билан бирга, ҳозирги пайтда мазкур Қарор асосида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар пухта хатловдан ўтказилиб, уларга бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштиришга доир замонавий шарт-шароит ва талабларга жавоб бермайдиган, тадбиркорлик фаолияти эркинлигини чеклайдиган рухсат бериш тартиботларини бекор қилишга қаратилган ўзгартишлар киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилмоқда.

2011 йил 7 сентябрь куни қабул қилинган **"Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"**ги Қонун ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лицензия талаб қилувчи фаолият соҳаларига жалб қилишга йўл қўядиган лицензиялаш тартиботларини янада соддалаштиришга хизмат қилади.

Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсатномалар бериш тартиботларини амалга ошириш жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш бўйича ҳам қатор комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.

Президентимизнинг 2011 йил 12 майдаги **"Тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Қарорига асосан 2011 йилнинг 1 июнидан муассислар ёки рўйхатдан ўтказувчи органнинг электрон буюртмасига кўра, интернет тармоғи орқали фирма номларининг марказлашган маълумотлар базасида хўжалик юритувчи субъектнинг фирма номини захира қилиб қўйиш амалиёти йўлга қўйилди. Шу сингари тадбиркорлик субъектларига турли кўчирма, квитанция ва маълумотларни тақдим қилиш бўйича Интернет-ресурс хизматларини интерфаол ва қоғозсиз технологиялар орқали амалга оширишга босқичма-босқич ўтиш бўйича қилинаётган ишлар катта аҳамият касб этмоқда.

Тадбиркорлик фаолиятида лицензиялаш ва рухсатнома характерига эга бўлган бошқа ҳужжатларни бериш жараёнларини янада соддалаштириш мақсадида ишлаб чиқилаётган қонун лойиҳаларида рухсатнома характерига эга бўлган ҳужжатларни олиш учун тадбиркорлик субъектларининг ҳужжатларни электрон алоқа орқали етказишлари мумкинлиги назарда тутилмоқда.

Шу ўринда, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, бозор ислоҳотларини либераллаштириш ва чуқурлаштириш йўлидан жадал ҳаракат қилиш, тадбиркорликка кўпроқ эркинлик бериш, бу борадаги тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат иқтисодиётидаги роли ва улушини ошириш, экспорт салоҳиятини ривожлантириш мақсадида Президентимиз томонидан 2011 йил 24 августда қабул қилинган **"Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги Фармонини алоҳида таъкидлаш лозим. Унга кўра, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг барча даражадаги давлат бошқаруви идоралари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари, тижорат банклари билан ўзаро муносабатларида тадбиркорлар ҳуқуқлари устуворлиги принципига амал қилиниши, яъни унга мувофиқ, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардаги бартараф этиб бўлмайдиган барча зиддиятлар ва ноаниқликлар тадбиркорлар фойдасига талқин этилиши, қисқача айтганда, "тадбиркорнинг ҳақлиги презумпцияси" принципи амалиётга жорий этилди. Бу принцип келгусида ҳуқуқни қўллаш амалиётида вужудга келадиган масалаларда тадбиркор манфаатини ҳимоя қилишда реал ҳуқуқий асос бўлади. Шунингдек, ушбу принципнинг мавжудлиги халқаро миқёсда ҳам республикамизда давлатнинг тадбиркорлик субъектларига нисбатан муносабатини ифодаловчи муҳим кўрсаткич сифатида баҳоланади, албатта.

Шубҳасиз, ушбу чора-тадбирлар, айниқса, рухсатномалар бериш тизимининг асосий қоида ва тамойилларини тартибга солишга қаратилган **"Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсатномалар бериш тартиб-қоидалари тўғрисида"**ги Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши маъмурий харажатларнинг сезиларли камайишига, бюрократик тўсиқларнинг кескин қисқаришига, рухсат берувчи нормаларнинг оптималлаштирилишига, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун рухсатномалар бериш тартиботларини қўллашда ошкоралик ва очиқ-ойдинликни таъминлашга, ва албатта, мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашга хизмат қилади.

Есемурат КАНЬЯЗОВ,
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг биринчи ўринбосари

МЖтК: янги таҳрирдаги лойиҳа

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Улар янги таҳрирда қабул қилинадиган Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг аҳамияти ҳамда унинг қонунчиликдаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришдаги аҳамияти хусусида тўхталдилар.

— Уч минг йиллик тарихга эга бўлган қадим Самарқандни кўриш бир умрлик орзуим эди, — деди **германиялик судья Кристиан Фридрих Райтмайер.** — Ўтмиш билан замонавийлик уйғунлашиб кетган бу афсонавий шаҳар мени ўзига ром этди. Яна шуни айтиш керакки, дунё миқёсида катта ҳурмат ва эҳтиромга эга бўлган Президент Ислом Каримов раҳбарлигида мамлакатингизда демократик ислоҳотлар, хусусан, қонунчилик борасида ҳамда Давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида, шунингдек, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишда катта ишлар амалга оширилаётганлигининг гувоҳи бўлдим. Шубҳасиз, бугун мамлакатингизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ривожланган мамлакатларникидан кам эмас. Энг муҳими, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг янги таҳрирдаги лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича ўтказилган бу анжуман Ўзбекистонда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ҳамда фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасидаги хайрли ишлардан биридир.

— Ушбу анжуманни Юртбошимиз томонидан Олий Мажлис палаталари зиммасига юкланган вазифаларнинг амалий ижроси, дейиш мумкин, — деди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Собир Жабборов.** — Шуни айтиш керакки, "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да айнан янги таҳрирдаги МЖтКни қабул қилиш давр тақозоси экани алоҳида таъкидланганди. Тадбир Германия Федератив Республикаси билан ҳамкорликда ўтказилаётганлиги алоҳида аҳамиятга эга. Чунки мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсат дунё аҳлининг диққат марказидадир.

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси бўлим бошлиғи, халқ депутатлари **Самарқанд шаҳар Кенгаши депутати Шуҳрат Шамсиев** шундай фикр билдирди:

— Икки кун давомида ўтган ушбу тадбир қонунчилик борасида том маънода ислоҳотлар олиб борилаётганлигининг яққол далили бўлди. Очиғи, бугун мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотларни хорижлик ҳуқуқшунослар ҳам тан олиб, Ўзбекистон тўғри йўлда бораётганлигини таъкидладилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, икки кун давом этган бу илмий-амалий конференция ишчанлик руҳида, ўзаро фикр алмашиш муҳитида ўтди. Анжуман якунида унинг қатнашчилари бундай тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг янги таҳрирдаги лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича қўйилган вазифанинг самарали амалга оширилишига хизмат қилиши ҳақида якдил фикр билдирдилар.

Азим ҚОДИРОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Ҳурматли юртдошлар!

Сиз суд ижрочилари томонидан қонунчилик бузилишига оид масалалар бўйича Суд департаментининг Ички хавфсизлик инспекциясига қуйидаги "Ишонч телефонлари" орқали мурожаат қилишингиз мумкин. Мурожаат этган шахснинг исм-шарифи сир сақланади.

"Ишонч телефонлари" рақамлари:

Суд департаментининг марказий аппарати Ички хавфсизлик инспекцияси (8-371) 237-61-86,

Суд департаментининг Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бошқармаси Ички хавфсизлик инспекцияси (8-361) 229-17-09,

Суд департаментининг Андижон вилоят ҳудудий бошқармаси Ички хавфсизлик инспекцияси (8-374) 224-58-70,

Суд департаментининг Бухоро вилоят ҳудудий бошқармаси Ички хавфсизлик инспекцияси (8-365) 225-75-34,

Суд департаментининг Жиззах вилоят ҳудудий бошқармаси Ички хавфсизлик инспекцияси (8-372) 226-55-11,

Суд департаментининг Сирдарё вилоят ҳудудий бошқармаси Ички хавфсизлик инспекцияси (8-367) 225-42-24,

Суд департаментининг Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармаси Ички хавфсизлик инспекцияси (8-376) 223-22-75,

Суд департаментининг Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси Ички хавфсизлик инспекцияси (8-366) 233-46-99,

Суд департаментининг Наманган вилоят ҳудудий бошқармаси Ички хавфсизлик инспекцияси (8-369) 233-37-63,

Суд департаментининг Навоий вилоят ҳудудий бошқармаси Ички хавфсизлик инспекцияси (8-436) 224-85-18,

Суд департаментининг Тошкент вилоят ҳудудий бошқармаси Ички хавфсизлик инспекцияси (8-371) 263-53-11,

Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси Ички хавфсизлик инспекцияси (8-371) 235-92-40,

Суд департаментининг Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармаси Ички хавфсизлик инспекцияси (8-375) 223-16-83,

Суд департаментининг Фарғона вилоят ҳудудий бошқармаси Ички хавфсизлик инспекцияси (8-373) 222-69-27,

Суд департаментининг Хоразм вилоят ҳудудий бошқармаси Ички хавфсизлик инспекцияси (8-362) 227-35-30.

Автотранспорт эгаларига!

Маст ҳолда

автомобиль бошқаргани учун ҳайдовчи маъмурий қамоққа олиниши ҳам мумкин

1. Давлат ЙХХ инспекторларига радар мосламаларидан қандай ҳолат ва шароитлардан келиб чиқиб фойдаланишга рухсат берилади?

2. Автотранспорт воситасини маст ҳолатда бошқариш қандай маъмурий жавобгарликларга сабаб бўлади?

3. Маълумки, автотранспорт йўлларида икки хилдаги светофорлардан фойдаланилади. Улардан бирида яшил ва қизил чироқлар милтилловчи (маълум вақт такроран ёнибўчиб турувчи) хусусиятга эга. Бундай хусусиятга эга бўлмаган светофорлар ўрнатилган жойлар ҳам талайгина. Белгиланган тезликда яшил чироқ остида шундай светофорли чорраҳага кириб улгурган транспорт ҳайдовчиси ноқулай ҳолатда қолади. Автотранспорт йўлларини яшил ва қизил чироқлари милтилловчи хусусиятга эга бўлган светофорлар билан таъминлаш борасида қандай чоралар кўрилмоқда?

Саволларимизга Ўзбекистон Республикаси ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармаси бошлиғи Холмат Сайдалиев жавоб беради.

1 Автомобиль йўлларидаги йўл-транспорт ҳодисалари, ҳайдовчилар томонидан содир этилаётган қоидабузарликлар таҳлили асосида тезлик ўлчовчи техник воситалардан ҳаракатни назорат қилиш жойи, вақти белгиланади.

2 Бу йил Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди ҳамда жорий йилнинг 27 апрель кунидан расман кучга кирди. Ушбу Қонунда ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини алкоголли ичимликдан, гиёҳванд модда таъсиридан ёки ўзгача тарзда маст ҳолда бошқаргани учун қўлланиладиган жазо чораси кучайтирилди. Эндиликда бундай ҳуқуқбузарлик учун ҳайдовчи транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан бир йилу олти ойдан уч йилгача муддатга маҳрум этилади. Шунингдек, худди шундай ҳуқуқбузарлик транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқи бўлмаган шахс томонидан содир этилган бўлса, энг кам иш ҳақининг 30 баравари миқдорида жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

Ушбу ҳуқуқбузарликнинг ижтимоий хавфлилик даражасини инобатга олиб, маст ҳолда транспорт воситасини бошқарган (Кодекснинг 131-моддаси) ёки тиббий кўрикдан ўтишдан бўйин товлаган (Кодекснинг 136-моддаси) ҳуқуқбузарларга нисбатан шу кунгача қўлланиб келинган жарима жазоси олиб ташланиб, фақат транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш жазосини қўллаш кўзда тутилган.

3 Светофор қурилмаларини "милтилловчи яшил чироқ" иш тартибига ўтказиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ҳозирги кунда биргина Тошкент шаҳридаги 427 та светофор қурилмасининг 260 таси "милтилловчи яшил чироқ" тартибида ишламоқда.

Барча светофор қурилмаларини "милтилловчи яшил чироқ" иш тартибига ўтказиш учун бир қатор техник ва молиявий муаммоларни ҳал этишга тўғри келади. Хусусан, махсус контролёрлар замонавийсига алмаштирилиши лозим.

Шу билан бирга Тошкент ва Нукус шаҳарлари, вилоятлар марказлари ҳамда йирик шаҳарларда замонавий ёруғлик диодли светофорлар ўрнатиш бўйича ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда.



"Инсон ва қонун" мухбири Умид СОРИЕВ тайёрлади.

Нотариал фаолият

Мерос тўғрисидаги гувоҳнома

қандай ҳолатларда берилмайди?

КУНДАЛИК ҲАЁТИМИЗДА ўзаро суҳбатларда "мерос талашган опа-укалар" ёки шу сингари кўнгилсиз ҳолатлар қулоғимизга чалиниб туради. Меросга оид маълумотлар кўпчиликни қизиқтириши табиий, албатта.

МЕРОСНИ тақсимлаш васият ва қонунга асосан амалга оширилади. Васият мавжуд бўлмаса ёхуд у бутун мероснинг тақдирини белгиламаса, шунингдек, қонун билан белгиланган бошқа ҳолларда қонун бўйича ворислик амалга оширилади. Мерос очилган пайтда ҳаёт бўлган фуқаролар, шунингдек, мерос қолдирувчи тириклигида ҳомила ҳолида бўлган, мерос очилгандан кейин туғилган болалари васият ва қонун бўйича меросхўр бўлишлари мумкин.

Агар мерос қолдирувчининг охирги яшаб турган жойи номаълум бўлса, мерос қолдирувчига тегишли бўлган барча кўчар ва кўчмас мулкларга нисбатан қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома берилишида марҳумнинг неча нафар меросхўрлари борлиги тўғрисида маълумотларни олишда, мерос тўғрисидаги гувоҳнома олиш учун мурожаат қилган фуқародан, яъни меросхўрдан биринчи навбатда у яшаб турган маҳалла (қишлоқ) фуқаролар йиғинидан маълумотнома талаб қилинади.

Фуқароларимиз томонидан кўчмас мулкларга нисбатан нотариал ҳаракатлар расмийлаштириш тўғрисида мурожаат қилинганда, агарда ушбу мерос мулки кўчмас мулк бўлса, мазкур кўчмас мулк марҳумга қандай ҳужжат асосида тегишли эканлиги аниқланади.

Бундай ҳолларда кўпинча марҳумнинг номига у яшаб турган уй-жойини марҳумнинг мулки деб тан олиш тўғрисидаги туман (шаҳар) ҳокимининг қарори талаб қилиниши лозимдир.

Шунингдек, фуқароларимиз томонидан меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома олиш учун сўраб мурожаат қилинганда, улардан биринчи навбатда меросхўрлар орасида туғма ногирон ёки меҳнатга қобилиятсиз кишилари, яъни меросхўрлари борлиги тўғрисида сўралганда, улар томонидан аниқ жавоб берилмаслик ҳолатлари ёки уларнинг меросхўр сифатида мерос берилишига рози бўлмаганлик ҳолатлари ҳам кўпинча учраб туради. Бундай ҳолларда эса албатта, нотариус томонидан қонунда назарда тутилган моддаларга асосан тушунтириш берилади.

Жорий йилда ўнлаб фуқароларга меросни расмийлаштириш билан боғлиқ рад жавоби беришга тўғри келди. Шу жумладан, Бухоро шаҳар Моҳи хосса кўчасида яшовчи фуқаро Карим Остонов отасига тегишли бўлган ўлим тўғрисидаги гувоҳномани тақдим этолмаганлиги сабабли, унга рад жавоби берилди ва фуқаролик ишлари бўйича шаҳар судига мурожаат қилиш ҳуқуқи борлиги тушунтирилди. Шунингдек, Бухоро шаҳар Истиқлол маҳалласида яшовчи фуқаро Ашур Жўраевнинг тўғилганлик тўғрисидаги гувоҳномасида отасининг исми ўлим гувоҳномаси бўйича тўғри келмаганлиги сабабли бу фуқарога рад жавоби беришга ва тегишли жойга мурожаат қилишга маслаҳат беришга тўғри келди. Бу каби мисолларни яна келтириш мумкин. Хулоса шуки, давлат нотариал идорасига ариза билан мурожаат этаётган ҳар бир меросхўр аввало, барча ҳужжатларни қонун доирасида тайёрлаши, ҳеч қандай шубҳа ва гумонга ўрин қолдирмаслиги лозим.

Зулфия РОЗИЕВА,
Бухоро шаҳар 2-сон давлат нотариал идораси нотариуси

Шарҳ

Мактуб мулоҳазага ундайди

ЖИСМОНИЙ ва юридик шахсларга дахлдор бўлган турли ҳуқуқий муносабатларнинг амалга ошишида нотариал идораларнинг масъул вазифалари бор. Бу борада мурожаат қилувчиларнинг ҳуқуқий билимлардан хабардор бўлиши муҳим ўрин тутади. Шу боис нотариус-мутахассислар ҳуқуқий тарғибот фаолиятига ҳам алоҳида эътибор қаратадилар. Кўп сонли мухлисларга эга бўлган газетамиз саҳифаларида мутахассисларнинг соҳага доир қонун ҳужжатларининг мазмуни, иш фаолияти давомида кузатиладиган ҳаётий тажрибалар ҳақидаги чиқишлари доимий бериб бормоқда. Таҳририятга нотариал идоралар ходимларидан қатор мақолалар келиб турибди.

АРНАСОЙ тумани давлат нотариал идораси нотариуси **Исмоил Дўстмуродов** "Автотранспорт воситалари: ижара шартномаси" сарлавҳали мақоласида ушбу турдаги шартноманинг ҳуқуқий асослари ва уларнинг нотариал тартибда тасдиқланиши учун белгиланган қоидалар хусусида батафсил сўз юритади. "Нотариуслар томонидан автомототранспорт воситаларини ижарага бериш шартномаларини тасдиқлаш бошқа шахсга бериш тақиқланмаганлиги ва хатлаб қўйилмаганлиги текширилгандан кейин амалга оширилади. Автотранспорт воситаларини ижарага бериш шартномаларини нотариал тартибда тасдиқлаш фақат қатъий ҳисобда турадиган, ҳимоя даражасига, серияга, тартиб рақамига ва ҳудудий кодга эга бўлган гербли (махсус) бланкаларда амалга оширилади. Бунда ижарага бериш шартномаси бўйича ижарага олувчига берилиши керак бўлган биринчи нусха гербли (махсус) бланкада расмийлаштирилади. Қолган нусхаларда гербли (махсус) бланкаларнинг серияси, тартиб рақами ва ҳудудий коди кўрсатилади.

Нотариуслар томонидан тасдиқланган автомототранспорт воситаларини ижарага бериш шартномалари белгиланган тартибда автомототранспорт воситаси рўйхатга олинган жойдаги ДЙҲХХ органларида ҳисобга қўйилиши керак", дея ҳуқуқий тушунтириш беради муаллиф.

"Бир шахснинг бошқа шахсга мол-мулкини ёки унга бўлган ҳуқуқий мажбуриятларни таъминлаш учун бериши гаров ҳисобланади" — деб ёзади Жиззах шаҳар 2-сон давлат нотариал идораси масъул ходими **Набижон Маҳмудов** "Гаров шартномаси тушунчаси" номли мақоласида.

"Болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳар бир инсоннинг маънавий бурчи саналади" — деб ўз мулоҳазаларини баён қилади Ҳамза тумани ФҲДЁ бўлими мудири **Зулайхо Камолхўжаева** "Қонунчиликда оиланинг ҳуқуқий кафолати" мақоласида. Мазкур мақолада ёшлар ва никоҳ, ота-оналарнинг фарзандлар олдидаги мажбуриятлари, оналик ва болаликнинг муҳофаза қилиниши хусусида сўз боради. Қизилтепа тумани ФҲДЁ бўлими мудири **Моҳира Халилова**нинг "Ҳаёт мактабида оила сабоғи" номли мақоласида эса никоҳдан олдин тиббий кўрикдан ўтишнинг аҳамияти, никоҳни ўз вақтида расмийлаштирмасликнинг оқибатлари, ёшларнинг оила қуриш масаласига оид орзу-интилишларига ота-оналарнинг муносабатлари ҳақида фикр-мулоҳаза билдирилган.

Таҳририятимизга ёшлар ўз қизиқишлари, илмий изланишлари ҳақида мактублар йўллашади. Газетамиз саҳифаларидан талабаларнинг бир қатор мақолалари ўрин олиб келмоқда.

ТДЮИ магистрлари **Шоҳжаҳон Эргашев**нинг "Хабеас корпус" институтини татбиқ этиш", **Сарвар Тўраев**нинг "Кичик бизнес субъектларининг турлари" номли мақолаларида ёшларнинг илм-фан сирларини пухта ўрганишга, қонунчилик асосларини назарий таҳлил қилишга бўлган интилишлари акс этиб турибди. ТДЮИ магистранти **Тимур Шукуров**нинг "Конституцияда ёшлар ҳуқуқи" мавзуидаги мақоласида Бош қомусимиз ва қонунларда ёшларнинг ҳуқуқлари мустаҳкам кафолатлангани ҳақидаги мулоҳазалар ўрин олган.

Шунингдек, Адлия вазирлиги масъул ходими **Нодира Адилова**нинг "Инсон манфаатлари устувор" номли мақоласида юртимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотларнинг ҳуқуқий асослари, Термиз шаҳар 5-сон давлат нотариал идораси нотариуси **Дилшода Балтабаева**нинг "Истиқлол моҳияти" сарлавҳали мақоласида бугунги тинч-осойишта ҳаётимиз қадр-қиммати, миллий ўзлигимизни англаш туйғуси, Зомин тумани ФҲДЁ бўлими мудири **Маҳбуба Ражабова**, Термиз тумани ФҲДЁ бўлими мудири **Сабохон Қобилова**, Гулистон шаҳар Никоҳ уйи мудираси **Гулҳаё Расулова** йўллаган мақолаларда эса оталикни белгилаш, никоҳни тугатиш, никоҳ шартномасига доир қонуний тартиблар ҳақида батафсил сўз юритилган. Навоий вилояти адлия бошқармаси масъул ходими **Аслиддин Жўраев**, Когон шаҳар 1-сон давлат нотариал идораси нотариуси **Лола Жумаева**, Каттақўрғон шаҳар суд ижрочилари бўлими бошлиғи **Баҳодир Гаффоров**ларнинг мақолаларида савдо дўконларининг тўлов терминаллари билан таъминланиши, автомашинадан ишончнома тартибида фойдаланиш, кредитни ўз вақтида қайтариш масалалари баён этилган.

Чиндан ҳам ижтимоий ҳаётнинг бир инъикоси сифатида қоғозга туширилган бу каби мақолаларда муаллифларнинг жонкуярлиги, бошқаларни ҳам фикрлашга ундаши, мулоҳазага чорлаши намоён бўлиб туради. Уларни имкон қадар газетамиз саҳифаларида ёритишга интиламиз. Мактубларнинг ҳар бирида ҳаёт нафаси уфуради ва албатта, ўқувчи эътиборини тортади.

Дилором МАТКАРИМОВА,
"Инсон ва қонун" мухбири

Савол жавоб

Ижро иши қайта тикланади

— ФУҚАРОЛИК ишлари бўйича судга уйга кўчириб киритиш тўғрисида даъво ариза билан мурожаат қилгандим. Иш менинг фойдамга ҳал бўлди ва суд ижрочилари томонидан суд қарорининг ижроси таъминланди. Бироқ қарздор яшашимга халақит бераяпти. Нима қилсам бўлади?

Ш.НАЗИРОВА,
Тошкент вилояти

— ЎЗБЕКИСТОН Республикасининг 2002 йил 1 январдаги **"Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"**ги Қонунининг 74-моддасида айнан ундирувчини кўчириб киритиш тартиби белгилаб қўйилган. Ундирувчини кўчириб киритиш тўғрисидаги ижро ҳужжатини ижро этиш кўчириб киритиш тўғрисида далолатнома орқали расмийлаштирилади. Мазкур модданинг 6-бандида "Агар ундирувчини кўчириб киритиш тўғрисида далолатнома тузилганидан кейин қарздор ундирувчининг яшашига яна монелик қилса, ижро ҳужжати бўйича ижро иши юритиш янгидан тикланиши мумкин", деб кўрсатилган. Сиз суд ижрочисига мурожаат қилиб, қарздор уй-жойдан фойдаланишингизга монелик қилаётганини маълум қилишингиз лозим. Шундан сўнг ижро иши юритиш янгидан тикланади ва қарздорга тегишли тартибда огоҳлантириш берилади. Сизнинг уй-жойдан монеликсиз фойдаланиш ҳуқуқингиз шу йўл билан таъминланади.

Дилшод ИСМОИЛОВ,
Сирғали тумани суд ижро бўлими суд ижрочиси

Тошкент давлат юридик институти қуйидаги лавозимларга ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

1. **"Криминалистика"** кафедраси бўйича
Кафедра мудири — 1;
2. **"Ҳуқуқий информатика ва информацион технологиялар"** кафедраси бўйича
Кафедра мудири — 1;
3. **"Давлат ва ҳуқуқ назарияси"** кафедраси бўйича
Ўқитувчи — 1;
4. **"Меҳнат ва ижтимоий ҳимоя ҳуқуқи"** кафедраси бўйича
Ўқитувчи — 1;
5. **"Экология ва қишлоқ хўжалиги ҳуқуқи"** кафедраси бўйича
Доцент — 1;
Катта ўқитувчи — 1;
6. **"Давлат ва ҳуқуқ тарихи"** кафедраси бўйича
Доцент — 1;
7. **"Халқаро ва қиёсий ҳуқуқ"** кафедраси бўйича
Ўқитувчи — 1;
8. **"Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар"** кафедраси бўйича
Катта ўқитувчи — 1;
9. **"Жиноят ҳуқуқи ва криминология"** кафедраси бўйича
Ўқитувчи — 1;
10. **"Хорижий тиллар"** кафедраси бўйича
Ўқитувчи — 1;
11. **"Жисмоний тарбия"** кафедраси бўйича
Ўқитувчи — 1;
12. **"Жиноят процессуал ҳуқуқи"** кафедраси бўйича
Ўқитувчи — 1;
13. **"Хўжалик ҳуқуқи ва хўжалик процессуал ҳуқуқи"** кафедраси бўйича
Ўқитувчи — 1.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:
1. Ректор номига ариза;
2. Ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа;
3. Олий маълумоти, илмий даражаси ҳақидаги дипломлар, илмий унвонлар ҳақидаги аттестатлар нусхалари;
4. Илмий ишлар рўйхати.

Танловга ариза бериш муддати эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.
Манзил: Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй, 119-хона.
Телефонлар: 236-09-39, 233-66-36.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қуйидаги нотариус лавозимларига ТАНЛОВ ЎТКАЗИШНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида
Ҳамза туман 5-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қуйидаги нотариус лавозимларига ТАНЛОВ ЎТКАЗИШНИ ҚАЙТА ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Қорақалпоғистон Республикасида
Нукус шаҳар 6-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Нукус шаҳар 8-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Тахиатош шаҳар 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Тўрткўл туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Тўрткўл туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Хўжайли туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Андижон вилоятида
Андижон шаҳар 3-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Андижон шаҳар 10-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Андижон шаҳар 12-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Жалақудуқ туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Пахтаобод туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Бухоро вилоятида
Когон шаҳар 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Жондор туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Ромитан туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Жиззах вилоятида
Ғаллаорол туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Қашқадарё вилоятида
Қарши шаҳар 3-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Қарши шаҳар 5-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Қарши шаҳар 6-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Қарши шаҳар 7-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Навоий вилоятида
Зарафшон шаҳар 3-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Самарқанд вилоятида
Пастдарғом туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Фарғона вилоятида
Фарғона шаҳар 11-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Марғилон шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Қува туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Сўх туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Фарғона туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Ёзёвон туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Тошкент вилоятида
Олмалиқ шаҳар 5-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Бекобод шаҳар давлат нотариал идорасида 1 нафар
Бўстонлиқ туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Паркент туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Ўртачирчиқ туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Юқоричирчиқ туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Янгийўл туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Тошкент шаҳрида
Мирзо Улуғбек туман 10-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Комиссия номига ариза;
2. Паспорт нусхаси;
3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;
4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал ёки иш жойида тасдиқланган нусхаси;
5. Талабгорнинг малака имтиҳонини топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма (малака имтиҳонини топширган, лекин нотариус лавозимида уч йил мобайнида ишламаган талабгорлар эса малака имтиҳонини қайта топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма);
6. Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.

Танловда йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича камида уч йил муддатли иш стажига эга бўлган, шу жумладан, белгиланган тартибда стажировкани ўтаган, малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси иштирок этиши мумкин.

(Ҳужжатларни тақдим этишнинг охирги санаси 2011 йил 10 ноябрь)
Манзил: Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 5-уй.
Телефонлар: (8-371) 233-44-48, 236-78-52, (ички) 183, 184, 185.

Гиёҳвандлик — аср вабоси

Иллат домига илингач

инсон фақат завол кўради

УМР Яратганнинг бандаларига берган тенгсиз инъомидир. Унинг қадрига етиш, мазмунли умргузаронлик қилиш ҳар кимнинг ўзига боғлиқ. Ҳаётда шундай иллатлар борки, улар инсоннинг умрини емириш, саломатлиги, оиласидаги тўкинсочинликка путур етказиш билан бирга элу юрт олдида бошини ҳам қилиб қўйиши шубҳасиз.

АНА ШУНДАЙ жирканч иллатлардан бири бу — гиёҳвандликдир. Айни пайтда халқаро миқёсда унга қарши мислсиз кураш олиб борилмоқда. Шунга қарамай, дунё бўйича тахминан 80 миллион одам гиёҳвандлик балосига гирифтор бўлган. Шифокорларнинг таъкидлашича, гиёҳвандлар ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан жуда тез қарийди.

Жиноят кодексининг 270-275-моддаларини ўз ичига олган XIX боби **"Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар"** дея номланиб, бунинг учун қатъий жазо чоралари белгиланган. Аммо жазо қанчалик оғир ва муқаррар бўлмасин, ўз қилмишининг оқибатини ўйламаган инсоннинг кўзи очилиши қийин. Бу тоифадагилар орамизда ҳамон учраб турибди.



Шу ўринда жиноят ишлари бўйича Фурқат тумани судида кўрилган айрим жиноят ишлари мисолида фикрларимни давом эттирсам. Туманнинг Шўҳай қишлоғида яшовчи фуқаро Даврон Ҳошимов (исм-шарифлари ўзгартирилган) мўмай даромад олиш мақсадида томорқасида таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган наша ўсимликларини етиштирган ва сақлаб келган. Ўша куни, яъни ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан ўтказилган тадбир чоғида у вазни 113 граммлик "Марихуана" гиёҳвандлик воситасини фуқаро Ж.Нўъмоновга 600.000 сўмга сотаётган пайтда ушланган.

Шунқор ва Қушчи қишлоқларида яшовчи Г.Кенжаева ҳамда С.Рамзиева аёл деган муқаддас номга доғ туширгиб, таркибида наркотик модда мавжуд бўлган кўкнори ўсимлигининг парваришига бел боғлашди. Аммо улар етиштирган "ҳосил" бир кун келиб, қайсидир инсоннинг умрига зомин бўлишини, ўз жигарбандлари сингари гўдакларнинг кўз ёшига сабаб бўлишини ўйлаб ҳам кўришмади. Уларнинг қилмиши туманда ўтказилган "Қорадори — 2011" тадбирида фош этилди.

Албатта, айбдорлар қилмишларига яраша қонуний жазога тортилдилар.

Биз эса юқоридаги каби ноҳуш ҳолатлар қайта такрорланмаслигини таъминлаш мақсадида туманимиздаги умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинларида гиёҳвандликнинг аянчли оқибатлари хусусида кенг кўламдаги тушунтириш ва тарғибот ишларини олиб боряпмиз. Зеро, гиёҳвандлик туфайли ҳеч кимнинг гулдек умри хазон бўлмасин.

Мавжуда РЎЗИЕВА,
Фарғона вилояти адлия бошқармаси масъул ходими

Адлия чораси

Ҳеч ким ноқонуний аралашолмайди

2011 йил "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилиниши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг имконият эшикларини очди.

ТАДБИРКОРЛАР ҳуқуқлари ҳимоясини тўлиқ таъминлаш, уларнинг эркин фаолият кўрсатиши, ҳар қандай тўсиқларни бартараф этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 19 март куни **"Адлия органларида махсус "Ишонч телефони" ташкил этиш тўғрисида"**ги қарори қабул қилинди.

Мазкур қарор билан тадбиркорларга бир қатор қулайликлар яратилди.

Унда тадбиркорларга кредит ва молия ресурслари беришнинг ноқонуний рад этилиши ёки бериш тартиб-қоидаларининг асоссиз чўзиб юборилиши ҳолатлари адлия органларининг "Ишонч телефонлари"га қилинган мурожаатлар орқали дарҳол кўриб чиқилиши ҳам белгилаб қўйилди.

Шунингдек, адлия органлари томонидан давлат тузилмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек, уларнинг мансабдор шахслари томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноқонуний аралашув, ноқонуний қарорлар қабул қилиш ҳолатларини аниқлаш, уларни бартараф этиш юзасидан тегишли тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Жумладан, Жиззах вилояти адлия бошқармаси томонидан Зарбдор тумани ҳокимлигида ўтказилган ўрганишда, туман ҳокимининг 2011 йил 15 февралдаги "Туман футбол федерациясининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва Ўзбекистон Республикаси миллий чемпионатига "Зарбдор" жамоасининг муваффақиятли иштирок этишини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги 75-сонли қарорига асосан тумандаги "Акмал" АЁҚШ, "Асқаров Очил" АЁҚШларга пул миқдорида ҳомийлик бириктирилган. Шунингдек, туман ҳокимининг 2011 йил 2 майдаги бошоқли дон экинлари ҳосилини йиғиштириб олиш бўйича 336-сонли қарорининг 9-бандига асосан тумандаги фермер хўжаликларига ўз маблағлари ҳисобидан Тошкент Ёнғин хавфсизлиги олий техника мактаби тингловчиларини вақтинчалик яшаш жойлари, шунингдек, озиқ-овқатлар, уларни ташиш учун транспорт ва ёнилги-мойлаш материаллари билан таъминлаш вазифалари топширилган.

Ушбу ҳолатлар бўйича Жиззах вилояти, Зарбдор тумани ҳокимлигига тақдимнома киритилган ва натижаси бўйича туман ҳокимининг 2011 йил 15 февралдаги 75-сонли қарори ва 2011 йил 3 майдаги 336-сонли қарорининг 9-банди бекор қилинган. Тақдимномага асосан туман ҳокимлигининг мансабдор шахслари тегишлича интизомий жавобгарликка тортилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги **"Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Фармонининг 2-бандида назорат органларининг мансабдор шахслари тадбиркорлик субъектларини рухсатсиз текширганлиги ва уларнинг хўжалик фаолиятига ноқонуний аралашганлиги учун етказган иқтисодий зарарнинг ўрнини қоплаш ва ҳатто жиноий жавобгарликка ҳам тортилиши белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Бош прокуратура ўртасида 2008 йил 15 сентябрь куни тадбиркорлик субъектлари ва хусусий мулк эгаларининг, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш соҳасидаги ҳамкорлик келишуви тузилган.

Унга мувофиқ адлия органлари томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва уларга етказилган моддий, маънавий (иқтисодий) зарарларни тўлиқ ундириш бўйича ҳамда тадбиркорларнинг фаолиятида ноқонуний текшириш ўтказган мансабдор шахсларга нисбатан қатъий чоралар кўрилмоқда.

Тадбиркорликни ривожлантириш, уларни қўллаб-қувватлаш ва ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш борасида қабул қилинган қонун ҳужжатлари ҳамда ҳукумат қарорлари ижросининг таъминланиши адлия органларининг доимий назоратида.

Зафар МУСТАФАҚУЛОВ,
Адлия вазирлиги масъул ходими

Адвокатлар палатасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси ҳузуридаги Малака комиссиясининг 2011 йил 26 сентябрдаги қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 2011 йил 30 сентябрдаги №250-ш/т-А-сонли буйруғига асосан амалдаги "Адвокатура тўғрисида"ги Қонуннинг 16-моддасига кўра Хакимов Абдукарим Вахобовичга 2009 йил 15 июнда берилган TN №000911-сонли адвокат мақомини олиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши тугатилди.

* * *

Адвокатлар палатасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси ҳузуридаги Малака комиссиясининг 2011 йил 26 сентябрдаги қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 2011 йил 30 сентябрдаги №250-ш/т-А-сонли буйруғига асосан амалдаги "Адвокатура тўғрисида"ги Қонуннинг 16-моддасига кўра Убайдуллаев Умид Ҳамидиллаевичга 2009 йил 5 июнда берилган TN №000563-сонли адвокат мақомини олиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши тугатилди.

* * *

Адвокатлар палатасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси ҳузуридаги Малака комиссиясининг 2011 йил 26 сентябрдаги қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 2011 йил 30 сентябрдаги №250-ш/т-А-сонли буйруғига асосан амалдаги "Адвокатура тўғрисида"ги Қонуннинг 16-моддасига кўра Асқаров Зафарбек Асқаровичга 2010 йил 2 сентябрда берилган TN №001291-сонли адвокат мақомини олиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши тугатилди.

* * *

Малака комиссиясининг 2011 йил 26 сентябрдаги 9-сонли қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 2011 йил 30 сентябрдаги №250-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги "VERUM LEGAL" адвокатлик фирмаси адвокати Бирюкова Ирина Владимировнага 2009 йил 11 июнда берилган TN №000845-сонли адвокат мақомини олиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши ва адвокатлик мақоми 2011 йил 30 сентябрдан — 3 ой муддатга тўхтатилди.

* * *

Малака комиссиясининг 2011 йил 26 сентябрдаги 9-сонли қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 2011 йил 30 сентябрдаги №250-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги "VESTA GLOV" адвокатлик бюроси адвокати Расулев Ойбек Эркиновичга 2009 йил 8 сентябрда берилган TN №001175-сонли адвокат мақомини олиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши ва адвокатлик мақоми 2011 йил 30 сентябрдан — 1 ой муддатга тўхтатилди.

Қашқадарё вилояти адлия бошқармасининг 2011 йил 5 октябрдаги 113-ум-сонли буйруғига асосан Деҳқонобод туманидаги "Адолатпарвар ҳуқуқий" адвокатлик фирмасининг адвокати Тўлбоев Оллаёр Абдирахмоновичга вилоят адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 19 июнда берилган KS 000051-сериали адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши ва адвокат мақоми 2011 йил 13 августдан суд ҳукми қонуний кучга киргунга қадар тўхтатилди.

Тошкент вилояти адлия бошқармаси жамоаси Чирчиқ шаҳар 3-сон давлат нотариал идораси нотариуси Мукаррам Зуфаровага падари бузруквори
ХОШИМ отанинг
вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Навоий вилояти адлия бошқармаси жамоаси Навоий шаҳар 1-сонли давлат нотариал идораси нотариуси
Комил МАРДОНОВнинг
бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Фахрийлар фахримиз

Умр мазмуни

ЗАЛВОРЛИ тоғ чўққиларига ҳеч чиққанмисиз? Улкан тоғлар бағрида ястаниб ётган сервиқор қояларни забт этиш одатда осон кечмайди кишига. Аммо қийин бўлса-да, чўққига чиққач, ҳалигина ўзи босиб ўтган тип-тикка қоятошларга назар солган инсоннинг кўнгли бахтга тўлади.

БИЗ ЭҲТИРОМ билан тилга олмоқчи бўлган қаҳрамонимиз Баҳодир Олимжоновни ҳаётда "тик қоятошлар"ни забт этган омадли инсон, деса бўлади.

Ҳа, йиллар давомида қайси соҳада фаолият юритмайлик, ўз касбимизга, бажараётган амалларимизга катта масъулият билан ёндашаккина кўзлаган мақсадга эришамиз.

Бугун нафақат оиласи, дўст-у ёронлари, балки узоқ йиллик қадрдон шогирдлари ҳурмати ва эъзозида умргузаронлик қилаётган Баҳодир Олимжонов қутлуғ 82 ёшни қарши олмоқда.

Қаҳрамонимиз 1929 йил 15 октябрь куни Тошкент шаҳрида таваллуд топди. У болаликдан зеҳнли, зукко бўлиб ўсди. Қалбида илк жўш ура бошлаган туғёнлар, унинг ҳуқуқ соҳасига бўлган муҳаббатини алангалатиб, Ломоносов номидаги Москва Давлат университетига етаклади. 1953 йили мазкур ўқув юртини ҳуқуқшунослик мутахассислиги бўйича тамомлаб, Тошкентга қайтди. Тиришқоқ ёш йигитни республика прокуратураси умумий назорат бўлимига ишга қабул қилишди.

Йиллар ҳам оқар дарёдек ўтиб борарди. Баҳодир аканинг эса ҳуқуқ соҳасида йил сайин тажрибаси ортиб борди. Ҳалоллиги, ўз ишига масъуллик билан қараши раҳбарият эътиборидан четда қолмади. 1962 йилдан 1966 йилгача Фарғона вилояти прокурорилигидан республиканинг юқори идораларида масъул лавозимларда ишлаш салоҳиятини намоён эта олди. 1985 йилдан 1990 йилгача эса Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири лавозимида ишлади.

Баҳодир ака фаолияти давомида кўплаб шогирдлар тайёрлади. Уларга узоқ йиллик тажрибаларини ўргатиб борди.

У кишининг ҳалол меҳнати ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланди. 1994 йилда эса "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист" фахрий унвонига сазовор бўлди. Баҳодир ака 1990 йилдан 1996 йилгача ҳам Республика юристлар малакасини ошириш маркази директори лавозимида ишлаб, мустақиллик йилларида мамлакатимизда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. Заҳматкаш устоз турмуш ўртоғим Мария Олимжонова 57 йидан бери умргузаронлик қилиб келмоқда. Опа ҳам ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларида узоқ йиллир фаолият кўрсатди. Бугунги кунда улар фарзандлари, шогирдлари ва неваралари ардоғида қарилик гаштини суришмоқда.

Адлия вазирлиги Фахрийлар кенгаши

Меҳнатлар самараси муносиб баҳоланди

ДАВЛАТ-тижорат Халқ банки фаолияти жаҳонда ўзига хос нуфузга эга "Standard & Poors" халқаро рейтинг компанияси томонидан "Барқарор" тоифадаги юқори рейтингда баҳоланди. Шу муносабат билан жорий йилнинг сентябрь ойи охирида Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банкининг анжуманлар залида "Standard & Poor's" халқаро рейтинг компанияси ҳамкорлигида "Ўзбекистон Республикаси Халқ банки рейтинг назорати" мавзуида семинар ўтказилди.

СЕМИНАРДА "Standard & Poor's"нинг Париждаги офиси директори Пьер Жиро, мустақил таҳлиллар билан шуғулланувчи мутахассис Ана Еленкович ва "Standard & Poor's" компаниясининг Москвадаги бош аналити Сергей Вороненко ҳамда Халқ банки раҳбарлари, департамент директори ва бошқарма бошлиқлари иштирок этишди.

Пьер Жиро ўз чиқишида янги методология услуби ва уни банк рейтингига таъсири, банкларнинг янги рейтинг баҳолаш услуби ҳамда инвесторларни ўзига жалб қилишда маълумотларнинг тўлиқ ёритиб борилиши ва уларга тўлиқ ишонч ҳосил қилгандан сўнг объектив баҳолашнинг муҳимлиги ҳақида тўхталиб ўтди.

Янги методология услуби инвестициявий бирлашманинг ўзгарувчан ахборот талаблари билан биргаликда таваккалчиликни бошқариш, жараёнлар таҳлили, шунингдек, корпоратив бошқарувнинг тараққий этишини ҳам ҳисобга олади. Акциядор инвесторларнинг узоқ муддатли позицияларини молиявий режа асосида кўриб чиқишни амалга оширади.

Семинарда қайд этилганидек, кредит рейтинги инвесторлар учун қандай афзалликлар туғдирса, банк учун ҳам айнан шундай енгилликиклар яратади. Рейтинглар инвесторлар учун молиявий таҳлил жараёнларини соддалаштиришда керак бўлиши билан бирга, банкка ўзининг кредит бўйича лаёқатлилигини, молиявий структурасининг махфий маълумотларини фош этмасдан исботлаш имконини беради.

Жорий йилнинг май ойида, "Standard & Poor's" компанияси томонидан банк фаолиятини, унинг стратегик йўналишини ҳамда ўтган йилдан олинган таҳлил натижаларини ўрганиб чиқиб, Давлат-тижорат Халқ банкининг халқаро кредит рейтинги B/B даражасида эканлигини тасдиқлаганлиги банкка берилган муносиб баҳо, десак муболаға бўлмайди.

Шуни айтиш керакки, жадал иқтисодий ислоҳотлар жараёнида 14 та ҳудудий, 185 та туман (шаҳар) филиаллари, 270 та минибанк, 2230 дан ортиқ бўлим, 3,5 мингдан ортиқ бўлинмалар ва махсус кассаларни ўзига бирлаштирган Давлат-тижорат Халқ банкининг ҳам ўзига хос муносиб улуши бор. Банк жамоаси Президентимиз ва ҳукумат томонидан қўйилаётган талабларга ҳамда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарши чоралар дастурига қатъий амал қилган ҳолда банкнинг капиталлашувини янада кўпайтириш, унинг инвестицион фаоллигини ошириш, иқтисодиётнинг истиқболли тармоқларида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш жараёнларини молиявий қўллаб-қувватлаш, шунингдек, кичик бизнес субъектлари бизнес лойиҳаларини молиялаштириш, аҳоли ва юридик шахсларга хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш, бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этишга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Бу, албатта, банк молиявий имкониятларининг янада кенгайиши, Халқ банкининг нафақат мижозлар, молия муассасалари, балки бошқа халқаро молия ташкилотлари олдидаги нуфузининг янада ортишига ҳам олиб келди. Буни жаҳоннинг энг нуфузли "Standard & Poors" халқаро рейтинг агентлигининг берган "Барқарор" баҳоси ҳам исботлади.

Шу ўринда айтиш жоизки, мазкур "Барқарор" рейтинг даражасини нафақат Давлат-тижорат Халқ банкига, балки Ўзбекистон тижорат банкларига берилган баҳо, деб ҳисобласа бўлади. Чунки Халқ банки республика банк тизимида филиаллар сони жиҳатидан 38 фоизни ташкил қилади.

Муҳими, халқаро рейтинг компанияси томонидан банкнинг "Барқарор" ривожланишига берилган холис баҳо, банк жамоасини янада ташаббускорликка, бундан-да шижоат билан ишлашга ундаши турган гап.

Халқ банки Матбуот хизмати

Ўзаро алоқалар мустаҳкамланмоқда

Ҳамкорликдаги семинар самарали ўтди

ИҚТИСОДИЙ ўзгаришларни тўғри баҳолай оладиган тажрибали мутахассисларнинг эътироф этишича, банк тизимида иш юритиш ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларда меҳнат қилишдан кўра бирмунча мураккаб, қалтис ва кишидан тезкорлиги аниқликни талаб этади. Бугун барча банк муассасаларида жараёнлар кузатуви жадал суръатларда давом этиб, мамлакат иқтисодий ўсиш мезонини белгиловчи кўплаб ютуқларга эришилмоқда. Бу ютуқларни интеллектуал билим ва кўникмага эга бўлган, ташаббускор мутахассислар хизматисиз қўлга киритиб бўлмайди. Давлат-тижорат Халқ банки тизимида худди ана шу тамойилларга — мутахассисларнинг иш юритиш салоҳиятини янада ошириб боришга катта эътибор берилмоқда. Жорий йилнинг 20-21 сентябрь кунлари Германиянинг жамғарма кассалар фонди билан ҳамкорликда ўтказилган халқаро семинар фикримизнинг амалдаги ифодаси бўлди дейиш мумкин.

ХАЛҚ БАНКИ Германиянинг жамғарма кассалар фонди билан бир неча йилдирки, ўзаро манфаатли алоқаларни амалга ошириб келмоқда. Бу ўз навбатида банк мижозлари кўпайишига ҳамда имтиёзли кредитлар ажратилиб, маҳаллий тадбиркорларни, айниқса, аёл тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш орқали янги иш ўринлари яратишда муҳим омил бўлмоқда.

Икки кунлик семинарда асосан Халқ банкининг кредит билан шуғулланувчи ходимлари иштирок этди ва бу ҳар иккала молия муассасалари учун тажриба алмашиш имконини берди.

Семинарнинг биринчи кунида Жамғарма кассаси филиали бўлган "Крайзшпаркассе Биркенфельд"нинг иш фаолияти, хизмат кўрсатиш кўлами ва унинг иш услублари ҳақида атрофлича маълумот берилди. Қайд этилганидек, мазкур молия муассасасига 1842 йилда асос солинган бўлиб, 6 та филиал, 37 та бўлими билан ўз мижозларига хизмат кўрсатиб келмоқда, молия бозорида энг етакчи молия муассасаларидан бири саналиб, улуши 52 фоиздан ортиқни ташкил қилади.

Семинарда сўз олган Жамғарма кассалар иқтисодчиси Карстен Хоффман жамғарма кассаларга ишбилармонликка қизиқувчи, бўлғуси тадбиркорларни жалб қилиш ва уларга йўл-йўриқлар кўрсатишнинг замонавий усуллари бўйича ўзининг амалий тавсияларини берди. Шунингдек, жамғарма кассалар фаолияти ривожланишида муҳим ўрин тутган махсус "DSGV" деб номланган концепцияларнинг мазмун-моҳияти, мақсад ва вазифалари хусусида ҳам кенг кўламда маълумот берилиб, ишлаш принципларининг энг аҳамиятли жиҳатларига эътибор қаратилди. Фикр алмашув асносида ўтган семинарда мижозлар билан ишлашнинг янги ва замонавий усуллари, банк хизматининг сифатини янада оширишнинг турли самарали йўллари хусусида ўзаро тажриба алмашилди.

Германия жамғарма кассасининг ҳисоб-китоб бўлими фаолияти жиҳатидан, уларнинг таъкидлашича, катта аҳамиятга эга. Бўлим хусусида таништирар экан унинг энг муҳим жиҳатларига ҳам эътибор қаратилди. Йиғилишда мутахассисларнинг молия муассасалар фаолиятини янада ривожлантиришга қаратилган маърузалари тингланди.

Бўлғуси тадбиркорлар билан алоқаларни фаоллаштириш ва йўлга қўйиш, мулоқотлар асослари — мулоқотлар модели, мижозлар нуқтаи назаридан музокаралар олиб бориш, энг муҳим ишларни юзма-юз фикрлашиб ҳал этиш, мижозларга мурожаат этиш йўллари — хат йўллаш, қўнғироқ қилиш, уйига ташриф буюриш, банк филиалларида мижозлар учун турли тадбирлар ўтказиш, шунингдек, кўргазмаларда маълумот ойнаси, қилинаётган ишларнинг афзалликлари ҳамда камчиликларни бартараф этиш каби қатор масалалар юзасидан тажрибалар ўртоқлашилди. Бир сўз билан айтганда, мазкур семинар банк ва мижоз ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамловчи тажрибаларнинг янги усулларини жорий этишга хизмат қилиш билан бирга, ҳар икки молия муассасаси ўртасидаги манфаатли алоқалар кўламини янада кенгайтиради.

Халқ банки Матбуот хизмати

Реклама ўрнида

Ҳурматли юртдошлар!

"Асака" банки (ОАЖ)

Сизларга миллий валютадаги янги муддатли омонат турини таклиф этади.

"МУРАББИЙ — 2011"

Сақланиш муддати — 9 ой.

Ҳисобланган фоизлар олдиндан (аванс) ёки омонат ёпилганда (9 ойдан) сўнг берилади.

Филиаллар	коди	телефон рақами
1. Тошкент шаҳар	371	120-83-13
2. Автотранспорт филиали	371	120-39-95
3. Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36
4. Юнусобод филиали	371	225-16-46
5. Сирғали филиали	371	258-67-49
6. Тошкент вилояти филиали	371	120-84-13
7. Андижон вилояти филиали	374	224-40-96
8. Асака филиали	374	233-13-69
9. Фарҳод филиали	374	226-97-53
10. Фарғона вилояти филиали	373	224-70-83
11. Марғилон филиали	373	237-12-37
12. Олтиариқ филиали	373	432-10-11
13. Қўқон филиали	373	552-61-04
14. Наманган вилояти филиали	369	226-94-75
15. Навоий вилояти филиали	436	223-54-32
16. Зарафшон филиали	436	573-18-78
17. Бухоро вилояти филиали	365	223-71-94
18. Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
19. Самарқанд вилояти филиали	366	231-08-86
20. Афросиёб филиали	366	221-77-56
21. Қашқадарё вилояти филиали	375	221-12-93
22. Сурхондарё вилояти филиали	376	770-82-12
23. Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
24. Хоразм вилояти филиали	362	226-97-78
25. Сирдарё вилояти филиали	367	225-44-03
26. Жиззах вилояти филиали	372	226-43-11

Ушбу омонат турини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин. Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63

"Асака" банк (ОАЖ) сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди. Барча омонатлар Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотларнинг сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгалик ва тасарруф этиш ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

Хизматлар лицензияланган.

ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган

ISSN 2010-7677

Бош муҳаррир: Қўчқор НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Мустафаев Бўритош Мустафаевич
Ражабова Маҳжуда Абдуллаевна
Очилов Алижон Мухлисович
Раҳмонов Абдукамол Шодиевич
Султонов Алимқул Тошбекович
Тўраев Тўра Эргашевич
Саидов Шокир Камолович

Навбатчи: Ёрбек ИСКАНДАРОВ

Саҳифаловчи-дизайнер: Тўлқин РАУПОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 4 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30-уй.

Буюртма j-2884. Тиражи — 13460.

Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 19.00

МАНЗИЛИМИЗ: 100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 233-95-31, Факс: 233-84-50

e-mail: info@press-iq.uz

Баҳоси келишилган нархда

1 2 3 4 5